

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

АСЛОНОВА МАРЖОНА РАМАЗОНОВНА

**SARS-CoV-2 ПНЕВМОНИЯНИНГ ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИНГ 2-ТИПИ
БИЛАН БИРГАЛИКДА КЕЛИШИ ЯКУНИ ИСТИҚБОЛИНИ
БЕЛГИЛОВЧИ ИММУНО-БИОКИМЁВИЙ ИНДИКАТОРЛАР**

**14.00.10-Юқумли касалликлар
14.00.36-Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по медицинским наукам**
**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on Medical Sciences**

Аслонова Маржона Рамазоновна SARS-CoV-2 пневмониянинг қандли диабетнинг 2-типи билан биргаликда келиши яқуни истиқболлини белгиловчи иммуно-биокимёвий индикаторлар.....	3
Аслонова Маржона Рамазоновна Имуно-биохимические индикаторы прогноза исхода SARS-CoV-2 пневмонии в ассоциации с сахарным диабетом 2 типа.....	21
Aslonova Marjona Ramazonovna Immuno-biochemical indicators of SARS-CoV-2 pneumonia outcome prognosis in association with type 2 diabetes mellitus.....	41
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published papers.....	44

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

АСЛОНОВА МАРЖОНА РАМАЗОНОВНА

**SARS-CoV-2 ПНЕВМОНИЯНИНГ ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИНГ 2-ТИПИ
БИЛАН БИРГАЛИКДА КЕЛИШИ ЯКУНИ ИСТИҚБОЛИНИ
БЕЛГИЛОВЧИ ИММУНО-БИОКИМЁВИЙ ИНДИКАТОРЛАР**

**14.00.10-Юқумли касалликлар
14.00.36-Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/Tib4280 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Облоқулов Абдурашид Рахимович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Саъдуллаева Ирода Курбоновна
тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Расмий оппонентлар:

Мирзажонова Донохон Баходировна
тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Миррахимова Мактуба Хабибуллаевна
тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

Етақчи ташкилот:

Кубан давлат тиббиёт университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. e-mail: info@bsmi.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 12-уй).

Диссертация автореферати 2025 йил “_____” _____ куни тарқатилган.
(2025 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Ж. Тешаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Қ. Дўстова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

М.Т. Хамдамова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси (PhD))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнги йилларда COVID-19 билан касалланган беморларда кўп органли яллиғланиш касалликларини келтириб чиқарадиган, ҳамда уларни юзага келтирувчи хавfli омилларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш замонавий инфектологиянинг энг муҳим тиббий ва иқтисодий муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. 2020-йил 11-март куни ЖССТ янги коронавирус инфекцияси (ЯКВИ) эпидемиясини пандемия деб эълон қилди¹. Ёндош касалликлар коронавирус пневмониясининг оғир кечиши ва касалликнинг ўлим билан тугаш хавfli учун жиддий омилдир. SARS учун сурункали юрак касаллиги, диабет, сурункали гепатит В, ёмон сифатли ўсмалар ва сурункали ўпка касалликлари асосий салбий прогностик омиллардир. Икки глобал пандемия - COVID-19 ва қандли диабетнинг 2-типи (ҚД2) тўқнашуви даҳшатли натижаларга олиб келди: қандли диабетнинг 2-типи COVID-19 да иккинчи энг кенг тарқалган ҳамроҳ касалликдир. Қандли диабет, семизлик ва гипертониянинг комбинацияси ўлим хавflини деярли 5 баробар оширади.

Жаҳон миқёсида COVID-19 билан касалланган беморларнинг ортиши, айниқса унинг асоратларини эрта босқичда ташхислаш, олдини олиш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада COVID-19 билан касалланган беморларда иммунологик тадқиқотлар ўтказиш, биокимёвий кўрсаткичлар ҳолатини аниқлаш, COVID-19да яллиғланишга хос ва қарши цитокинлар миқдорини аниқлашга бағишланган изланишлар илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда COVID-19нинг асоратли турларида иммунологик механизмларни аниқлаш, ташхислаш усулларини такомиллаштириш, даволаш ва олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хусусан, юқумли касалликлар ва уларнинг асоратларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояси ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, аҳоли орасида инфекцион касалликларни даволаш ва профилактикасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2024 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»² вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида юқумли касалликларни камайтириш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда

¹ World Health Organization (WHO), 2020 <https://www.who.int/director-general/speeches/detail/who-director-general-s-opening-remarks-at-the-media-briefing-on-covid-19---11-march-2020>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалланиш кўрсаткичлари ва унинг асоратларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6110-сон Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4891-сон қарори ва 2022 йил 16 майдаги “Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-243-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълумки, коронавирус инфекцияси энг муҳим ва мураккаб тиббий, ижтимоий-психологик ва иқтисодий муаммолардан бири булиб, бу иммунологик реакциялар билан боғлиқ бўлган мураккаб жараёнлардир. ҚД га чалинган беморлар орасида янги коронавирусли инфекцияси пандемия даврида ўлим ҳолатлари кўп қайд этилган. Дастлабки маълумотларга кўра, Хитойда 7,8%, АҚШда 28,8%, Англияда 31,4% ни ташкил қилган бўлса, ҚД сиз бемолар орасида мос ҳолда: 2,7%, 6,2% ва 14,2% қайд қилинди (Bode B, Garrett V, Messler J, at all. 2020).

COVID-19 да цитокинларнинг бир қатор тадқиқотларида кўрсатилганки, COVID-19нинг оғир шаклида ва бу инфекциядан вафот этган беморларда ИЛ-1β, ИЛ-2 ва унинг эрийдиган рецептори, ИЛ-6, ИЛ-8, ИЛ-17, ИЛ-18, УНОα, моноцитларнинг хемоаттрактант оқсили 1 (MCP1 ёки CCL2), яллиғланишга қарши макрофаг оқсили 1-альфа (MIP-1α ёки CCL3), шунингдек, яллиғланишга қарши цитокин ИЛ-10 каби цитокинларнинг даражаси COVID-19 нинг энгилроқ шакллари билан касалланган беморлар гуруҳига нисбатан анча юқори бўлган (Wu C., Chen X., Cai Y. at all, 2020; Гришаевой А.А., 2022).

COVID-19 ва ҚД учун патогенетик алоқалардан бири бу тизимли яллиғланишдир. Ўрганилган гуруҳларда яллиғланиш белгилари бўйича статистик жиҳатдан муҳим фарқлар топилди. ЯКВИ дан вафот этган беморларда тирик қолган беморларга нисбатан аниқроқ яллиғланиш реакцияси мавжуд бўлиб, зардоб ферритини 2,7 марта, С-реактив оқсил 1,5 марта, ЛДГ 2 марта, прокалцитонин 2,3 марта. D-димер даражаси 2,7 баравар юқори, жигар ферментларининг фаоллиги 1,5 баравар, лимфоцитлар сони 2 баравар эса камайган (Демичева Т.П., 2023).

Коронавирус билан касалланган одамларнинг тахминан 80 фоизида касаллик энгил ёки ўртача шаклда, 13-14 фоизида – оғир шаклда, 4-6 фоизи эса интенсив терапия бўлимига госпитализация қилишни талаб қиладиган критик шакл ривожланади (Туйчиев Л.Н., Туйчиев Ж.Д., Фахриддинова Д.М., 2022). Катта ёш гуруҳидаги беморларда, қўшимча масалан, гипертония, қандли

диабет ва юрак-қон томир тизими касалликлари мавжудларда касалликнинг ўткир шакли ривожланиши ва ўлим хавфига кўпроқ мойил бўлганликлари қайд этилди (Тешаев Ш.Ж., Облокулов А.Р., ва ҳаммуал., 2020).

Адабиётлар таҳлили ҚД дан Республикамизда ўлим ҳолатлари 2019 йилга нисбатан 1,5 бароварга ошганлигини курсатади (Хайдарова Ф.А ва бошқ. 2022). Бунга асосий сабаблардан қон-томир патологияси 57,9%, ўткир қон айланиши бузилиши 15,6%, сурункали буйрак касалликлари 12,0%, гангрена, сепсис ва бошқалар қолган улушни ташкил қилди. Бошқа сабаблар билан бирга COVID-19 туфайли юзага келган ўлим ҳолатлари 52,3% ни (пневмония-17,2%, ўпка артерияси тромбоэмболияси -1%, онкологик касалликлар-12%, жигар циррози-12%) ташкил қилди (Хайдарова Ф.А., Алиева А.В., Бердыкулова Д.М. ва ҳаммуал., 2022)

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, SARS-CoV-2 инфекциясига шубҳа қилинган беморларга клиник ташхис қўйишда ёрдам берадиган ёки касалликнинг оғирлигини башорат қила оладиган ёки ҳатто уни кузатиш учун хизмат қиладиган гематологик ва биокимёвий ўзгаришлар ва бошқа параметрларни излаш амалий соғлиқни сақлаш тизими учун долзарблигича колмокда ва ушбу йўналишда тадқиқотлар ўтказиш зарурати намоён бўлмокда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти ва илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «COVID-19 инфекциясидан кейин Бухоро минтақаси аҳолиси соғлиғига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш (2022-2026 й.)» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади SARS-CoV-2 пневмониянинг қандли диабетнинг 2-типи билан биргаликда келиши яқуни истиқболини белгиловчи иммуно-биокимёвий индикаторларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

2-тип қандли диабет билан оғриган беморларда SARS-CoV-2 пневмонияси клиник – лабаратор хусусиятларини баҳолаш;

2-тип қандли диабет билан оғриган беморларда SARS-CoV-2 пневмониясида қон ивиш кўрсаткичлари ҳамда эндотелин - 1нинг диагностик ва прогностик аҳамиятини аниқлаш;

2-тип қандли диабет билан ассоцирланган SARS-CoV-2 пневмонияси билан оғриган беморларнинг интерферон (IFN- γ ва IFN- α) ҳамда яллиғланишга хос (IL-18) ва яллиғланишга қарши (IL-4) цитокинлар миқдорини аниқлаш;

2-тип қандли диабет билан ассоцирланган SARS-CoV-2 пневмонияси билан оғриган беморларнинг иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликнинг аҳамиятини баҳолаш;

Тадқиқот объекти сифатида 2021-2022 йилларда Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонасида турли даражадаги SARS-CoV-2 пневмониясининг 2-тип қандли диабет билан биргаликда келган 85 нафар (асосий гуруҳ) ва ҚД билан касалланмаган SARS-CoV-2 пневмонияси бўлган 35 нафар (қиёсий гуруҳ) беморлар ҳамда 30 нафар амалий соғлом одамлар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида SARS-CoV-2 пневмониясининг 2-тип қандли диабет билан биргаликда келган беморлар ҳамда амалий соғлом одамлар вена қони ва зардобу биокимёвий ва иммунологик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, иммунологик, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор 2-тип қандли диабет билан оғриган беморларда SARS-CoV-2 инфекциясининг клиник белгилари нисбатан яққолроқ бўлиши, цитолитик синдром индикаторлари (АЛТ, АСТ), тизимли яллиғланиш индикаторлари (СРО, ПКТ, ферритин) касаллик кечиш индикаторлари эканлиги исботланган;

илк бор 2-тип қандли диабет билан оғриган беморларда SARS-CoV-2 пневмониясида қон ивиш кўрсаткичлари (коагулограмма кўрсаткичлари, Д-димер) ҳамда эндотелиал дисфункция маркери эндотелин-1 ни диагностик ва прогностик аҳамияти аниқланган;

илк бор 2-тип ҚД фонида коронавирус инфекцияси бўлган беморларда интерферонлар (ИФН- γ ва ИФН- α) миқдорининг камайганлиги ҳамда яллиғланишга хос (IL-18) ва яллиғланишга қарши (IL-4) цитокинлар миқдорларининг меъёрга нисбатан ишонarli ортиши аниқланган;

илк бор 2-тип қандли диабет билан асоцирланган SARS-CoV-2 пневмонияси билан оғриган беморларнинг иммунологик ҳамда биокимёвий кўрсаткичлари ўртасида узаро ишончли боғлиқлик умумий билирубин билан IL-18 орасида ва боғланган билирубин билан INF- α орасида ишончли манфий боғлиқлик борлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

2-тип қандли диабет билан оғриган беморларда SARS-CoV-2 пневмониясида касаллик кечиш даражасини баҳолаш учун коагулограмма кўрсаткичлари ва эндотелин-1 ни миқдорини аниқлаш асоратларнинг профилактикасида ва давосида муҳим аҳамиятга эга эканлиги исботлаб берилган.

2-тип қандли диабет билан оғриган беморларда SARS-CoV-2 пневмониясида касаллик кечиши даражасини баҳолаш учун цитокинлар (IL-4, IL-18) ва интерферонлар (INF- α , INF- γ) миқдорини аниқлаш асосланган;

2-тип қандли диабет билан оғриган SARS-CoV-2 пневмонияли беморларни ташхислашда муҳим аҳамиятли маркерлар аниқланган ҳамда беморларни бошқаришга дифференциал ёндашувнинг самарадорлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник-лаборатор, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти 2-тип қандли диабет билан оғриган беморларда SARS-CoV-2 пневмонияси ривожланишининг клиник-иммунологик механизмларини аниқлаш қон ивиш кўрсаткичлари

(коагулограмма кўрсаткичлари, Д-димер) ҳамда эндотелиал дисфункция маркери эндотелин-1 ни диагностик ва прогностик аҳамиятини, яллиғланишга хос (IL-18) ва қарши (IL-4) цитокинлар миқдорларининг ортиши аниқланганлиги, интерферонлар (IFN- γ ва IFN- α) миқдорининг камайганлиги исботланганлиги, касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти 2-тип қандли диабет билан оғриган беморларда SARS-CoV-2 пневмониясининг кечиши даражасини баҳолашда қон ивиш кўрсаткичлари (коагулограмма кўрсаткичлари, Д-димер) ҳамда эндотелиал дисфункция маркери эндотелин-1нинг миқдорини аниқлаш исботланганлиги, касаллик асоратларини эрта ташхислаш учун прогностик маркёр сифатида цитокинлар (IL-4, IL-18) ва интерферонлар (IFN- γ ва IFN- α) миқдорини аниқлаш асосланганлиги, касалликни ташхислашда муҳим аҳамиятли маркерлар аниқланганлиги ҳамда хавфини прогнозлаш самарадорлиги асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилганлиги. Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. SARS-CoV-2 пневмониянинг қандли диабетнинг 2-типи билан биргаликда келишида иммуно-биокимёвий индикаторларни аниқлаш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: 2-тип қандли диабет билан оғриган беморларда SARS-CoV-2 инфекциясининг клиник белгилари нисбатан яққолроқ бўлиши, цитолитик синдром индикаторлари (АЛТ, АСТ), тизимли яллиғланиш индикаторлари (СРО, ПКТ, ферритин) касаллик кечиш индикаторлари эканлиги бўйича “SARS-CoV-2 пневмониянинг қандли диабетнинг 2-типи билан биргаликда келганида касалликнинг истиқболини аниқлаш усули” деб номланган услубий тавсиянома ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институтининг Эксперт комиссиясининг 2023 йил 30 сентябрдаги 23м/104-сонли хулосаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Бухоро вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг 10.11.2023 йилдаги 124-сон, Бухоро туман тиббиёт бирлашмасининг 18.12.2023 йилдаги 38-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги №11/74-сонли хулосаси); *иштимой самарадорлиги:* SARS-CoV-2 ва 2-тип қандли диабет билан касалланган беморларнинг хаёт сифатини яхшилаш, асоратлар ва ўлимни камайтиришга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Бухоро вилоят Юқумли касалликлар шифохонаси ва Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси амалий фаолиятларига жорий этилиши SARS-CoV-2 пневмониянинг қандли диабетнинг 2 типини билан биргаликда келганида диагностика усулини оптималлаштириш ва индивидуал прогнозлаш усулини қўллаш хар бир беморга нисбатан сарфланган маблағнинг 170000 сўмгача тежаш ва ташхислаш кунларини 1 суткага қисқаришга имкон яратади; *Хулоса:* 2-тип қандли диабет билан оғриган беморларда SARS-CoV-2 инфекциясининг клиник белгилари нисбатан яққолроқ бўлиши, цитолитик синдром индикаторлари (АЛТ, АСТ), тизимли яллиғланиш индикаторлари (СРО, ПКТ, ферритин) касаллик кечиш индикаторлари эканлиги асосланган.

иккинчи илмий янгилик: 2-тип қандли диабет билан оғриган беморларда SARS-CoV-2 пневмониясида қон ивиш кўрсаткичлари (коагулограмма

кўрсаткичлари, Д-димер) ҳамда эндотелиал дисфункция маркери эндотелин-1 ни диагностик ва прогностик аҳамиятини аниқланганлиги бўйича “SARS-CoV-2 пневмониянинг қандли диабетнинг 2-типи билан биргаликда келганида касалликнинг истиқболини аниқлаш усули” деб номланган услубий тавсиянома ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институтининг Эксперт комиссиясининг 2023 йил 30 сентябрдаги 23м/104-сонли хулосаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Бухоро вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг 10.11.2023 йилдаги 124-сон, Бухоро туман тиббиёт бирлашмасининг 18.12.2023 йилдаги 38-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги №11/74-сонли хулосаси); *ижтимоий самарадорлиги*: SARS-CoV-2 ва 2-тип қандли диабет билан касалланган беморларнинг хаёт сифатини яхшилаш, асоратлар ва ўлимни камайтиришга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Бухоро вилоят Юқумли касалликлар шифохонаси ва Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси амалий фаолиятларига жорий этилиши SARS-CoV-2 пневмониянинг қандли диабетнинг 2 типини билан биргаликда келганида диагностика усулини оптималлаштириш ва индивидуал прогнозлаш усулини қўллаш ҳар бир беморга нисбатан сарфланган маблағнинг 170000 сўмгача тежаш ва ташхислаш кунларини 1 суткага қисқаришга имкон яратади; *Хулоса*: 2-тип қандли диабет билан оғриган беморларда SARS-CoV-2 пневмониясида қон ивиш кўрсаткичлари (коагулограмма кўрсаткичлари, Д-димер) ҳамда эндотелиал дисфункция маркери эндотелин-1 ни диагностик ва прогностик аҳамияти асосланган.

учинчи илмий янгилик: 2-тип ҚД фонида коронавирус инфекцияси бўлган беморларда интерферонлар (ИФН- γ ва ИФН- α) миқдорининг камайганлиги ҳамда яллиғланишга хос (IL-18) ва яллиғланишга қарши (IL-4) цитокинлар миқдорларининг меъёрга нисбатан ишонарли ортиши аниқланганлиги бўйича “SARS-CoV-2 пневмониянинг қандли диабетнинг 2-типи билан биргаликда келганида касалликнинг истиқболини аниқлаш усули” деб номланган услубий тавсиянома ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институтининг Эксперт комиссиясининг 2023 йил 30 сентябрдаги 23м/104-сонли хулосаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Бухоро вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг 10.11.2023 йилдаги 124-сон, Бухоро туман тиббиёт бирлашмасининг 18.12.2023 йилдаги 38-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги №11/74-сонли хулосаси); *ижтимоий самарадорлиги*: SARS-CoV-2 ва 2-тип қандли диабет билан касалланган беморларнинг хаёт сифатини яхшилаш, асоратлар ва ўлимни камайтиришга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Бухоро вилоят Юқумли касалликлар шифохонаси ва Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси амалий фаолиятларига жорий этилиши SARS-CoV-2 пневмониянинг қандли диабетнинг 2 типини билан биргаликда келганида диагностика усулини оптималлаштириш ва индивидуал прогнозлаш усулини қўллаш ҳар бир беморга нисбатан сарфланган маблағнинг 170000 сўмгача тежаш ва ташхислаш кунларини 1 суткага қисқаришга имкон яратади; *Хулоса*: SARS-CoV-2 ва 2-тип қандли диабет билан касалланганларда юзага келадиган

яллиғланиш жараёнининг кучайишида яллиғланишга хос (IL-18) ва қарши (IL-4) цитокинлар миқдорларининг меъёрга нисбатан ишонarli ортиши ҳамда интерферонлар (ИФН- γ ва ИФН- α) нинг камайиши асосланган.

тўртинчи илмий янгилик: 2-тип қандли диабет билан ассоцирланган SARS-CoV-2 пневмонияси билан оғриган беморларнинг иммунологик ҳамда биокимёвий кўрсаткичлари ўртасида узаро ишончли боғлиқлик умумий биллирубин билан IL-18 орасида ва боғланган биллирубин билан INF- α орасида ишончли манфий боғлиқлик борлиги исботланганлиги буйича “SARS-CoV-2 пневмониянинг қандли диабетнинг 2-типи билан биргаликда келганида касалликнинг истиқболини аниқлаш усули” деб номланган услубий тавсиянома ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институтининг Эксперт комиссиясининг 2023 йил 30 сентябрдаги 23м/104-сонли хулосаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Бухоро вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг 10.11.2023 йилдаги 124-сон, Бухоро туман тиббиёт бирлашмасининг 18.12.2023 йилдаги 38-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги №11/74-сонли хулосаси); *ижтимоий самарадорлиги:* SARS-CoV-2 ва 2-тип қандли диабет билан касалланган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, асоратлар ва ўлимни камайтиришга имкон яратади; *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Бухоро вилоят Юқумли касалликлар шифохонаси ва Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси амалий фаолиятларига жорий этилиши SARS-CoV-2 пневмониянинг қандли диабетнинг 2 типини билан биргаликда келганида диагностика усулини оптималлаштириш ва индивидуал прогнозлаш усулини қўллаш ҳар бир беморга нисбатан сарфланган маблағнинг 170000 сўмгача тежаш ва ташхислаш кунларини 1 суткага қисқаришга имкон яратади; *Хулоса:* 2-тип қандли диабет билан ассоцирланган SARS-CoV-2 пневмонияси билан оғриган беморларнинг иммунологик ҳамда биокимёвий кўрсаткичлари ўртасида узаро ишончли боғлиқлик умумий биллирубин билан IL-18 орасида ва боғланган биллирубин билан INF- α орасида ишончли манфий боғлиқлик борлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси буйича жами 21 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари асосланган, объект ва предмет тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мувофиқлиги

кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Коронавирус инфекциясининг кечишида ҳамроҳ касалликларнинг таъсири бўйича замонавий тадқиқот натижалари таҳлили”** деб номланган биринчи бобида диссертациянинг долзарблиги, зарурати ва тадқиқотнинг республика фан ва технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги асослаб берилган, шунингдек, диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган.

Ушбу бобда COVID-19 билан касалланган беморларда қандли диабетнинг тарқалиши, 2-тип қандли диабет билан боғлиқ ҳолда COVID-19 да клиник кечиш манзаралари, умумклиник, қоннинг биокимёвий ва иммунологик ҳамда қоннинг гемостатик кўрсаткичларда юзага келадиган ўзгаришларга бағишланган адабиёт маълумотлари ўрганилиб замонавий диагностика ва даволашга доир муаммолар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Текширилган беморларнинг умумий тавсифлари ва қўлланилган тадқиқот усуллари (материаллар ва тадқиқот усуллари)”** деб номланган иккинчи боби текширилган шахсларнинг умумий тавсифи, лаборатория ва статистик тадқиқот усулларини ўз ичига олади.

Тадқиқотимизда Республика ихтисослаштирилган эпидемиология микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббий маркази Бухоро филиалида 2021-2022 йилларда турли даражадаги SARS-CoV-2 пневмониясининг 2-тип қандли диабет билан биргаликда келган 85 нафар (асосий гуруҳ) ва ҚД билан касалланмаган SARS-CoV-2 пневмонияси бўлган 35 нафар (қийсий гуруҳ) беморлар жалб этилган. Асосий кўрсаткичлар сифатида беморнинг ёши, жинси, яшаш жойи, клиник белгиларнинг учраши, тана ҳарорати, ўпканинг шикастланиши, ҳамроҳ касалликлар, касалликдан кейинги асоратлар, лаборатория маълумотлари, шу жумладан қон ва сийдикнинг умумий таҳлили, қон ивиш кўрсаткичлари (протромбин вақти (ПТВ), протромбин индекси (ПТИ), халқаро нормалаштирилган муносабат (ХНМ), фибриноген (ФИБ), қисман фаоллаштирилган тромбопластин вақти (ҚФТВ), тромбоцитлар сони), Яллиғланиш индикаторлари (С – реактив оқсил (СРО), прокалцитонин (ПКТ)), ҳамда иммунологик текширувлар (ИФН- α , ИФН- γ , ИЛ-4, ИЛ-18) ўрганилди.

Иммунитет тизим компонентлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иммунология ва инсон геномикаси иммунология ва репродукция лабораториясида амалга оширилган. ИФН- α , ИФН- γ , ИЛ-4, ИЛ-18 даражасини аниқлаш учун уч бочқичли “сенвич”-ИФА усулининг тури қўлланилди.

Олинган маълумотлар Фишер-Стьюдентнинг вариацион статистика усули ва Пирсоннинг χ^2 мезони асосида статистик таҳлил қилинди.

Диссертациянинг **“2-тип қандли диабет билан оғриган беморларда SARS-CoV-2 пневмониясининг ривожланиши учун хавф омиллари”** деб номланган учинчи бобида назорат остидаги беморларнинг нозологик шакли ва кечиш оғирлигига мос ҳолда клиник белгилари, қон умумий таҳлили, биокимёвий кўрсаткичлар, коагулограмма, тизимли яллиғланиш индикаторлари, қон томир эндотелийси шикастланиш кўрсаткичлари баён


қилинган.

Текширилаётган гуруҳларда учраган ушбу симптомлар орасида ҳансираш 95,8% беморларда, кўп тералаш 90%, иштаҳа пастлиги 90%, қуруқ йўтал умумий 82,5% беморларда учраб, бошқа клиник белгиларга қараганда учраш фоизи бўйича устунлик қилди .

Теширилаётган беморларда учраган нафас қисилиши клиник белгисининг учраш даражасини таҳлил қилганда 2-гуруҳ беморларнинг 21 нафарида (63,6%), 1-гуруҳ беморларнинг 35 нафарида (67,3%) ва 3-гуруҳ беморларнинг 1 нафарида (2,9%) кузатилди. Ҳансираш белгисининг учраш даражасини таҳлил қилинганда 1-ўрта оғир гуруҳдаги беморларнинг 32 нафарида (97%), оғир гуруҳдаги беморларнинг 49 нафарида (94,2%), ва қиёсий гуруҳдаги беморларнинг 34 нафарида (97,1%) кузатилди. Юқоридагидан кўриниб турибдики нафас қисилиши оғир гуруҳдаги беморларда, ҳансираш эса қиёсий гуруҳдаги беморларда сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди.

Қуруқ йўтал ва хуружсимон балғамли йўтал SARS CoV-2 пневмониясида кузатиладиган асосий клиник белги саналади. Қуруқ йўтал жами касалланганларнинг 99 нафарида (82,5%), хуружсимон балғамли йўтал эса 19 нафарида (15,8%) да кузатилди. Аҳамиятлиси хуружсимон балғамли йўтал кузатилган 19 нафарнинг беморнинг 10 нафарини оғир гуруҳдаги беморлар ташкил қилди.

Кўкрак қафасидаги оғриқ SARS CoV-2 пневмониясида учрайдиган яна бир асосий симптомлардан биридир. Бу симптомнинг таҳлили шуни кўрсатдики, жами беморларнинг 48 нафари (38,3%) да кузатилди, шундан 24 нафари қиёсий гурпуаги беморларда эканлиги аниқланди. Ўрта оғир даражадаги беморларнинг 27,3% да, оғир даражадаги беморларнинг 25 % ди ушбу симптом қайд этилди (1-расм).



1-расм. Текширилаётган гуруҳдаги беморларда клиник белгиларининг учраши (%)

Тадқиқотга жалб қилинган беморларнинг қонидаги ўртача гемоглобин миқдорини таҳлил қилганимизда, касалликнинг ўрта оғир кечишида $132,8 \pm 3,5$ г/л, оғир кечишида $129,96 \pm 4,05$ г/л, қиёсий гуруҳда $137,9 \pm 3,7$ г/л, назорат гуруҳида эса $132,7 \pm 1,8$ г/л эканлиги қайд этилди. Беморларнинг қонидаги ўртача лейкоцитлар миқдорини таҳлил қилганимизда касалликнинг ўрта оғир кечишида $9,4 \pm 0,71$ /л, оғир кечишида $9,1 \pm 0,5$ /л, қиёсий гуруҳда $7 \pm 0,71$, назорат гуруҳида эса $6,14 \pm 0,3$ /л эканлиги қайд этилди. Тромбоцитларнинг ўртача миқдори таҳлил қилинганда, 1-гуруҳдаги беморларда $224,7 \pm 11,2$, 2-гуруҳдаги беморларда $227,2 \pm 13,65$, қиёсий гуруҳда $172,9 \pm 13,13$, назорат гаруҳида

225,8±15,3 ни ташкил этди. Текширилаётган беморларнинг умумий қон таҳлилидаги лимфоцитларнинг миқдори қуйидаги натижаларни қайд этди: лимфоцитларнинг абсолют сони 1-гуруҳдаги беморларда 1,24±0,13, 2-гуруҳдаги беморларда 1,37±0,14, қиёсий гуруҳда 1,06±0,08, назорат гуруҳида 1,52±0,12 ни ташкил этди. Эритроцитларнинг чўкиш тезлигини таҳлили қуйидагиларни ташкил этди: 1-гуруҳдаги беморларда 26,46±2,05, 2-гуруҳдаги беморларда 24,14±2,27, қиёсий гуруҳда 20,83±1,85, назорат гуруҳида 9,3±0,93 эканлиги қайд этилди.


Текширилаётган гуруҳдаги беморларнинг биокимёвий қон таҳлили ўрганиб чиқилганда, кўрсаткичларда сезиларли ўзгаришлар аниқланди. Умумий билирубин миқдори 1-гуруҳдаги беморларда 17,4±0,72 ммол/л, 2-гуруҳдаги беморларда 16,6±0,6 ммол/л, қиёсий гуруҳда 17,4±0,43 ммол/л, назорат гуруҳида 16,5±0,05 ммол/л ни ташкил этди. Эркин билирубин миқдори 1-гуруҳдаги беморларда 17,06±0,55 ммол/л, 2-гуруҳдаги беморларда 16,18±0,45 ммол/л, қиёсий гуруҳда 17,34±0,42 ммол/л, назорат гуруҳида 16,1±0,5 ммол/л ни ташкил этди. Бунда умумий ва эркин билирубиннинг кўрсаткичлари асосий ва қиёсий гуруҳдаги беморларда назорат гуруҳига қарганда бироз баландлигини кўришимиз мумкин. Умумий оксил миқдори эса 1-гуруҳдаги беморларда бошқа гуруҳларга қараганда 1,2 мартага юқори яъни ўртача 82,6±13,9 г/л ни ташкил этди.

Тадқиқотга жалб қилинган беморларда креатинин кўрсаткичларини ўрганиб чиқанимизда қуйидаги натижаларни олдик: 1-гуруҳдаги беморларда 116,4±10,7 мкмол/л, 2-гуруҳдаги беморларда 88,65±3 мкмол/л, қиёсий гуруҳда 83,5±8,6 мкмол/л, назорат гуруҳида 79±3,7 мкмол/л ни ташкил этди. Креатининнинг ўртача миқдори фақатгина оғир даражадаги беморларда нормадан бироз ошганлигини гувоҳи бўлдик. Бошқа гурӯпадаги беморларда нормадан оғиш кузатилмади.

SARS CoV-2 пневмониясининг 2-тип қандли диабет билан биргаликда келганида беморларнинг биокимёвий таҳлилидаги глюкоза кўрсаткичи касалликнинг оғир ва ўрта оғир даражасида юқори натижани қайд этди. Касалликнинг оғир даражасида 12,3±0,64 ммол/л, ўрта оғир даражасида 13,1±0,71 ммол/л, қиёсий гурӯпада 5,21±0,23 ммол/л, назорат гуруҳида 4,83±0,13 ммол/л ни ташкил этди. Қон биокимёвий таҳлилидаги муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланган АЛТ ва АСТ кўрсаткичи SARS CoV-2 пневмонияси бор беморларда ўзгарганлигини гувоҳи бўлдик. АЛТ миқдори қиёсий гурӯпада энг юқори натижани кўрсатиб, 68,1±10,6 Б/л эканлиги аниқланди. Бу кўрсаткич касалликнинг оғир даражасида 47,1±3,18 Б/л, ўрта оғир даражасида 43,2±2,1 Б/л, назорат гуруҳида эса 31,65±1,52 Б/л эканлиги қайд этилди. АСТ кўрсаткичи ҳам қиёсий гурӯпадаги беморларда юқори эканлиги аниқланди, касалликнинг оғир даражасида 47,1±3,18 Б/л, ўрта оғир даражасида 35,6±1,48 Б/л, назорат гуруҳида эса 25,6±1,37 Б/л ни ташкил этди. АСТ кўрсаткичи қиёсий гурӯпадаги беморларда назорат гуруҳидаги беморларга қараганда 2,1 мартага юқори натижани қайд этди (2-расм).

Текширилаётган гуруҳдаги беморларда СРО миқдори ўрганиб чиқилганда касалликнинг ўрта оғир даражаси билан касалланганларда бу кўрсаткич 25,73±1,19 мг/л, оғир даражасида 25,3±1,05 мг/л, қиёсий гурӯпада 18,7±1,1 мг/л, назорат гуруҳида эса 3,7±0,22 мг/л эканлиги қайд этилди. Бу

кўрсаткичлар 1 ва 2-гуруҳларда нормадан 2,5 марта, қиёсий гуруҳда эса 1,8 марта юқори.




2-расм. Текширилаётган гуруҳдаги беморларнинг биокимёвий қон таҳлили

Тадқиқот давомида ПТВ миқдори текширилганда қуйидаги натижалар олинди. Ўрта оғир беморларда $12,35 \pm 0,2$ сек, оғир шакли билан касалланган беморларда $16,5 \pm 2,78$ сек, қиёсий гуруҳда $15,84 \pm 3,3$ сек, назорат гуруҳида эса $11,2 \pm 0,33$ сек ни ташкил этди. Тадқиқотга жалб қилинган беморларнинг протромбин индекси ўрганилганда эса ўрта оғир беморларда $112,1 \pm 3,24$ %, оғир шакли билан касалланган беморларда $119,04 \pm 4,31$ %, қиёсий гуруҳда $113 \pm 3,4$ %, назорат гуруҳида эса $91,6 \pm 2,8$ % ни ташкил этди.

Фибриноген миқдори ўрта оғир беморларда $3667,9 \pm 103,2$ мг/л, оғир шакли билан касалланган беморларда $3469,5 \pm 128,6$ мг/л, қиёсий гуруҳда $3025,7 \pm 94,5$ мг/л, назорат гуруҳида эса $2970,7 \pm 123,48$ мг/л ни ташкил этди. Касалликнинг ўрта оғир шаклида фибриноген миқдори юқори эканлиги кўрилди.

SARS CoV-2 инфекциясида ҚФТВ кўрсаткичи вируснинг қон ивиш системасига таъсирини белгиловчи муҳим омил саналади. ҚФТВ миқдори ўрта оғир беморларда $36,4 \pm 7,66$ сек, оғир шакли билан касалланган беморларда $29,04 \pm 0,97$ сек, қиёсий гуруҳда $28,3 \pm 0,72$ г/л, назорат гуруҳида эса $27,4 \pm 0,45$ сек ни ташкил этди (3-расм).



3-расм. Текширилаётган гуруҳдаги беморларнинг коагулограмма кўрсаткичлари


Томирларнинг ҳолатини баҳолаш учун қон томир эндотелийсининг шикастланишига жавобан чиқариладиган эндотелин-1 ортиш даражасини аниқлаш натижалари кўрсатишича эндотелин-1 миқдори асосий гуруҳ беморларида $2,58 \pm 0,87$ пг/мл ни ташкил қилган бўлса, таққослаш гуруҳида эса бу кўрсаткич $1,69 \pm 0,62$ пг/мл ни, соғлом одамлар $1,14 \pm 0,46$ пг/мл иборат бўлди (4-расм).



4-расм. Ўрганилаётган гуруҳларда эндотелин-1 миқдори (пг/мл)

Эндотелин даражаси таққосланаётган гуруҳ беморларида статистик ($p < 0,0001$) фарқланди. Энг паст кўрсаткич таққосланадиган гуруҳда қайд қилинди ва ўз навбатида уларда эндотелийнинг яллиғланиши нисбатан камроқ намоён бўлди.

Текширилаётган гуруҳлардаги Д-димер миқдори текширилганда ўрта оғир беморларда $335,9 \pm 56,4$ нг/мл, оғир шакли билан касалланган беморларда 417 ± 130 нг/мл, қиёсий гурӯпада $299,2 \pm 30,04$ нг/мл, назорат гуруҳида эса $143,7 \pm 12,1$ нг/мл эканлиги қайд этилди (5-расм).



5-расм. Текширилаётган гуруҳдаги беморларнинг тизимли яллиғланиш индикаторлари


Тадқиқотга жалб қилинган беморларнинг ферритин миқдори текширилганда ўрта оғир беморларда $272,3 \pm 77,2$ мкг/мл, оғир шакли билан касалланган беморларда $269,6 \pm 28,9$ мкг/мл, қиёсий гурӯпада $216,6 \pm 58,1$ мкг/мл, назорат гуруҳида эса $101,3 \pm 2,45$ мкг/мл эканлиги аниқланди.

